ТУРКИСТОНДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК ТАРИХИДАН (XIX-XX АСР БОШЛАРИ)

С.А.Хошимов, А.Ҳакимов

В статье освещена ремесленническая и предпринимательская деятельность в Туркестане конца XIX — начала XX вв.

In clause is covered handcrafting and enterprise activity in Turkistan of the end of the XIX centuries - the beginning of the XX centuries.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақилигини қўлга киритганидан сўнг мамлакатимизда кенг тус олган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантиришдир. Бугунги кунда ўтмишда бу борада катта тажрибага эга бўлган аждодларимизнинг фаолиятлари қизиқиш ўйғотиши

табиий. Зеро, мамлакатимиз ҳудудидаги шаҳарлар жуда қадимдан савдо ва ҳунармандчилик марказлари сифатида нафақат ички эҳтиёжлар, балки қўшни мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий алоқаларда ҳам муҳим роль ўйнаган. Айниқса, Буюк ипак йўлида жойлашган Туркистон шаҳарлари Шарқ ва Ғарб ўртасидаги алоқаларда муҳим ўрин тутган. XV асрга келиб Буюк ипак йўли Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдо муносабатларида воситачилик ролини йўқотса-да, Туркистон шаҳарлари минтақа миқёсида ҳамда қўшни мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларда ўз аҳамиятини сақлаб қолди.

Хусусан, XIX-XX аср бошларида мамлакатимиз ҳудудида содир бўлган кескин сиёсий ўзгаришлар иқтисодга салбий таъсир кўрсатса-да, шаҳарлар ўз иқтисодий мавқеини йўқотмади, аксинча, чуқур тарихий илдизга эга бўлган бой тажриба туфайли маҳаллий аҳолининг ички эҳтиёжларини таъминлаш билан бирга, қўшни мамлакатлар билан савдо муносабатларини ҳам имкон қадар давом эттирди.

Кўрилаётган даврда Туркистон шаҳарларида ҳунармандчилик саноати ўз даврига яраша анча тараққий этган эди. Металл эритиш, турли металл асбоб ва буюмлар ясаш ҳунармандчилик саноатининг етакчи тармоқларидан ҳисобланган.

Туркистонга темир билан чўян хом ашё сифатида Россиядан сотиб олиб келинарди. Чўян эритадиган тармоқлар, асосан, шаҳар чеккасидаги қишлоқлар атрофида барпо этилган. Масалан, Бухородаги чўян эритиш корхоналари шаҳардан 10 чақирим узоқдаги Аткучи қишлоғида, бир қисми эса Ғалаосиё қишлоғида жойлашган эди. Умуман олганда, 1841-1843 йилларда Бухоро атрофида 6 та чўян эритиш устахонаси бўлган[1;74-75].

Катта устахонада 16 киши, кичкина устахоналарда, асосан, 2-3 киши ишлар эди, улар ҳам устаннинг оила аъзоларидан иборат бўлган. Яна шогирдлар мавжуд бўлиб, улар қуйиш ишини дам босишдан ўргана бошлар эдилар. Агар чўян эритадиган қозон 2-3 та бўлса, уста ишчи ҳам ёлларди. Ёлланган кишига уч сўм ойлик тўланар эди. Бундай устахоналар ибтидоий ҳунармандчилик асосида қурилган бўлиб, оғир меҳнатни талаб қиларди. Ҳамма нарса қўл кучи билан бажарилганлиги сабабли иш суръати жуда суст бўларди. Масалан, 12 пуд чўянни турли асбоблар қолипига солиш учун 14 кун, 12 пуд чўяндан 4 та қозон ясашга 14 кун кетар эди. Чўян эритадиган устахоналар йилда 8 ой ишларди, қолган вақтда уста оила аъзолари билан бирга ўз қишлоқ хўжалигида банд бўлар эди. Устахонадаги 8 ойлик иш даврида 200 пудгача чўян эритилиб, бунга 270 пуд кўмир ёқилар эди[2;125]. Чўян эритиш корхоналари, асосан, омоч тишлари, қозон, қора чироқ, офтоба (обдаста) чой идиш ва шу кабиларни ишлаб чиқарар эди.

Ўлкада темирчилик ҳунари авлоддан-авлодга ўтиб келарди. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотга қараб темирчилик устахоналарини уч гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳга эшик занжири ва халқалари, от ва эшак тақалари, кавуш ва этик нағаллари, ҳар хил михлар, арава ғилдираги учун темир халқалар, отлар учун йўғон узанги, дурадгорлар учун темир рандалар ва шунга ўхшаш буюмлар тайёрловчи корхоналар кирар эди. Иккинчи гуруҳ темирчилар тоштарош усталар, деҳқонлар ва бинокорлар учун турли асбоблар, жумладан, кетмон, ўроқ, болта, теша ва бошқа нарсалар ясашар эди. Темирчиларнинг учинчи гуруҳи, асосан, пўлатдан турли пичоқлар, қайчи, устара, қилич, ханжар каби асбоблар ясовчи усталардан ташкил топган. Пўлат пичоқ, ханжар ва қиличларга ҳар хил қимматли суяклардан, айниқса, туянинг оёқ суягидан, фил суяги ва турли шохлардан, хусусан, кийик шохларидан чиройли дасталар қилинар эди. Бу дасталар хилма-хил ўйма гуллар билан безатилар эди.

Ўзбек пўлат пичоқлари узоқ асрлар давомида бутун Шарқ ва Ғарбга танилиб келган. Бу пичоқлар Чуст, Ўратепа, Шаҳрихон ва Ҳисорда ясалиб, пичоқчилик анъаналари замонимизгача сақланиб келмоқда. Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ясалган қиличлар Испаниянинг Толедо шаҳрида ишлаб чиқилган қиличларга кўп жиҳатдан ўхшар эди. Биргина Самарқанд шаҳрининг ўзида ҳарбий қуроллар, қилич тиғлари ишлаб чиқарадиган

15 дан ортиқ устахоналар бўлган[3;17-18]. Ҳисор, Фарғона, Хива ва бошқа жойларда ҳам шундай корхоналар бор эди. Темирчилар милтиқ ва тўплар ҳам ясаганлар.

Катта шаҳарларда алоҳида мисгарлик расталари бўлар эди. Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Хўжанд, Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган, Чуст ва бошқа шаҳарлар, айниқса, мисгарлик ва турли идишларга гул кесиш санъати туфайли шуҳрат қозонган ҳунармандлари билан фахрланар эди. Мисгарлар ўртасида ҳам меҳнат тақсимоти бор эди. Ҳар бир уста маълум идишнигина ясарди. Масалан, битта уста чилимни қалайласа ва қумғон ясаса, бошқаси қозон ва лаган ясар эди.

Туркистондаги ҳунарлар орасида энг қадимийларидан бири заргарликдир. Заргарлар олтин, кумуш ва қимматбаҳо рангли тошлардан, хилма-хил шишалардан турли буюмлар тайёрлашарган. Масалан, хотин-қизлар учун тумор, тиллақош ва баргаклар, кўкракка тақиш учун тумор сават, зебигуле, қўлтиқтумор, билагузук, халқа, исирға сингари қимматбаҳо буюмлар ясалар эди. Заргарлик Туркистоннинг деярли барча шаҳарларида тараққий этган.

Туркистонда кулолчилик ҳам кенг ёйилган ҳунарлардан бири бўлган. Бу соҳада товоқ, пиёла, чинни, кўза ва бошқа идишлар кўпроқ ишлаб чиқиларди. Кўк, сариқ, қизил, қора, зангори, оқ ва бошқа рангларга ўрик елими, ун, қум, темир кукунини аралаштириб, идишлар ранг-баранг қилиб бўялган. Қарши, Самарқанд, Тошкент, Хўжанд, Риштон ва бошқа жойларда кулолчилик анча тараққий этган. Масалан, Риштонда идишларга гул солиш санъати, айниқса, ривожланган эди[3;71-72]. Бу ерда кулоллар жуда кўп бўлганлиги сабабли улар ўртасида идишларнинг хиллари аниқ бўлинган. Ҳар бир уста фақат муайян буюмни ясарди. Жувозкашлик ҳам ўлкадаги ҳунарлар орасида муҳим ўринни эгаллаган. Жувозларда асосан зиғир мойи ва кунжут ёғи чиқариларди. Қовун ва тарвуз уруғлари аралашмасидан ҳам ёғ олинган. Яна кўкнор уруғидан, ёнғоқдан ёғ чиқариларди. XIX аср ўрталарида Тошкент шаҳрининг ўзида 500 та, Туркистон ўлкасида эса бир неча ўн минг жувозхона бўлган. Шунингдек, совун ва шам ишлаб чиқариш кенг ривожланган эди[4;407].

Туркистон халқлари ҳаётида тўқувчилик муҳим аҳамиятга эга эди. Бу ҳунар эгалари пахта, ипак ва жундан турли нарсалар тўқишган. Биринчи навбатда, ип йигиришдан аввал пахтани чигитдан ажратиш зарур бўлган, бу ишни фақат хотин-қизлар чиғириқ билан бажарар эдилар. Ип чархда йигирилиб, калава қилинар эди. Шундан сўнг ипни тўкиш дўконларига тайёрлаш палласи бошланиб, ип бир қанча кишилар қўлидан ўтарди. Тўқувчилик дўконлари, асосан, шаҳар маҳаллаларида ва қисман қишлоқларда бўларди. Шунингдек, айрим усталар ўз уйларида ишлар эдилар. Чунончи, бўз тўқиш кенг авж олган эди. Шаҳрисабзда тўқилган бўзлар алоҳида ўринни ишғол қиларди[5;102-103]. Бухоро бўзларининг кўпроқ қисми кўкимтир бўлиб, асосан, кўчманчи аҳоли ўртасида сотилган. Бўздан ташқари, турли рангда бўялган иплардан олача, қалами, байроқ олача тўқилган қалами ва шунга ўхшаш матоларни тўқиш ишлари Наманган ва Андижон тўқимачилари ўртасида кучая борган, бу матолар турли бўёқлари ва яхши сифати билан ажралиб турган. Олача, қалами, бўз, чит, дока кабиларнинг ҳаммаси фақат чархлар билан тайёрланган иплардан тўқиларди.

1841-1842 йилларда Бухорога келган рус дипломатик миссиясининг бошлиғи кон инженерии майор К.Бутенев бу ерда чит ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтади. Асосан, икки хил, яъни «чити саригаз» ва «чити чатти» тўқилган[6;56]. Бу хил читлар аввал оқ сурп каби тайёрланиб, сўнг унга ҳар хил гул босилган. Бухоро читлари қўшни мамлакатларга, жумладан, Россияга ҳам чиқарилар эди. Айниқса, Урал, Оренбург томонларга юборилган саригаз чити у жойларда «бахти» номи билан машҳур бўлган. Ҳунармандчиликда ипак моллар тайёрлашга ҳам катта эътибор берилган. Хўжанд, Андижон, Наманган ва бошқа жойларда ипак кийимликлар тўқиш ишлари авж олган. Бу

соҳада Марғилон шаҳри шуҳрат қозонган эди. Марғилонда тўқилган турли шойи кийимликлар, хусусан, атласлар Туркистондагина эмас, бутун Шарққа ҳам танилган эди.

Қоғоз ишлаб чиқариш ўлкадаги ҳунарларнинг энг қадимгиларидан ҳисобланган. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон, Бухоро ва Самарқандда ишлаб чиқарилган қоғозлар, айниқса, ипакдан ишланган қоғоз бутун Шарққа ном чиқарган эди. 1863 йилда Туркистоннинг кўп шаҳарларида бўлган венгр шарқшуноси А.Вамбери Самарқанд ва Бухоро қоғозлари ўзининг силлиқлиги ва сифати билан чет мамлакатларда шуҳрат топганлигини қайд этади[7;221]. Қўқон хонлигига қарашли Чарқ қишлоғидаги қоғоз корхонаси, асосан, сув кучидан фойдаланишга мослаштирилган эди. Шунинг учун ҳам уни «Қоғоз обжувози» деб аташган. Бу ишхонада, асосан, эски латта ва пахталар обжувоз орқали тозаланиб, турли қоғозлар тайёрланар эди. Бу ҳақда 1873 йил март-ноябрь ойларида Туркистонга ташриф буюрган АҚШнинг Россиядаги элчиси Южен Скайлер ўз ҳукуматига юборган маълумотларида алоҳида тўхталиб ўтган[8].

Муқовасозлик ҳунари ҳам узоқ тарихга эгадир. Самарқанд, Бухоро, Урганч, Хива, Андижон, Наманган, Тошкент, Хўжанд каби шаҳарлар муқовасозликнинг асосий марказлари бўлган. Муқова чарм ва қалин қоғоздан қилинган.

Туркистонда бўёқ ранглари қадимги замонлардан бўён, асосан, турли маъдан ва ўсимликлардан тайёрланиб, уларни аралаштириш йўли билан ҳосил қилинар эди. Масалан, Бухорода бизгут номли қора бўёқ ва сепарак ёки испарак номли тўқ сариқ бўёқ икки хил ўсимлик аралашмасидан тайёрланарди[1;73-74]. Туркистонда кенг ишлатилган рўян бўёқли ўсимлиги, асосан, Фарғона водийсида кўп бўлиб, ёввойи ҳолда ўсарди. Ип ва ипаклар рўян бўёқларига бўялар эди.

Туркистонга 1885 йилда ташриф буюрган Генри Лансделнинг қайд этишича, маҳаллий аҳоли кончилик билан ҳам шуғулланиб, кўпгина минералларни аниқлаган ва улардан унумли фойдаланган. Узоқ изланишлар туфайли Чотқол, Юқори Чирчиқ, Талас, Или ва Зарафшон қумларидан олтин топишга ҳам муваффақ бўлинган[9;13].

Хуллас, маҳаллий ва хорижий манбаларнинг кўрсатишича, XIX асрнинг 60-70 йилларига қадар Қўқон, Хива ва Бухоро хонликларида ишлаб чиқаришнинг жуда кўп турлари кенг ривожланган бўлиб, маҳсулотлар ички эҳтиёжларни қондирибгина қолмай, маҳаллий тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан қўшни мамлакатларга, у хонликдан бу хонликка етказиб берилган.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошида мамлакат ҳудудида содир бўлган кескин сиёсий, маъмурий ва иқтисодий ўзгаришлар, мустамлакачилик тузумининг ўрнатилиши шаҳарлар ҳаётига зиддиятли таъсир кўрсатди. Бир томондан, сиёсий, иқтисодий ва савдо мустақиллигининг барҳам топиши қўшни мамлакатлар билан алоқаларнинг жадал ривожланишига олиб келди, иккинчи томондан, ўлкага четдан саноат маҳсулотларининг кириб келиши маҳаллий ишлаб чиқариш соҳаларидан айримларининг синиши ва тугашига олиб келди. Айни пайтда, ўлкага рус сармоядорлари, иқтисодий муносабатларнинг янги шакллари кириб кела бошлади. Банк-кредит тизими, темир йўллар, саноат объектлари, савдо-саноат ширкатлари ва фирмалари, савдо биржалари ташкил этилиб, кенгая борди, улар ўлкада метрополия манфаатлари учун маҳаллий хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланишда, тадбиркорликни айнан шу мақсадлар йўлида кенгайтиришда катта роль ўйнади. Аммо маҳаллий ишлаб чиқариш ва бозорлар ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолди.

Чор Россияси Туркистонни мустамлакага айлантиргач, ўзининг мустамлакачилик мақсадларига хизмат қилувчи дастлабки саноат корхонларни барпо эта бошлади. Бу корхоналар рус капиталистлари учун Туркистон хом ашёсини тайёрлашга хизмат қиларди. Шу боис ҳам бу ерда кўпроқ ва биринчи навбатда пахтани дастлабки қайта ишлаш билан боғлиқ саноат корхонлари ташкил этилди.

Биринчи пахта тозалаш заводи 1879 йилда Тошкентда савдогар Назаров томонидан ишга туширилди. Иккинчи шундай завод 1885 йили Андижон уездида савдогар Хўжаев,

учинчиси эса Тошкентнинг Кўкча даҳасида савдогар Исабек Ҳакимбеков томонидан қурилди. 1867-1900 йиллар давомида Туркистонда ишга туширилган 170 та корхонанинг 75 таси Фарғона вилоятининг 5 та шаҳрида жойлашган бўлиб, уларнинг барчаси пахта тозалаш заводлари эди. Бу заводларнинг кўпчилиги ака-ука Крафт, Вадьяев, Миробид Мирмуҳаммедов, Олимжон Муҳаммаджонов каби сармоядорларга қарашли бўлган[10;238]. Туркистон саноатида пахта тозалаш заводларидан сўнг ёғ ишлаб чиқарувчи корхоналар пайдо бўлди. Чой қадоқлаш, ароқ-вино тайёрловчи корхоналар ҳам ишга туширилди.

Рус капиталистлари ер ости бойликларини қазиб олиб кетишга ҳам алоҳида эътибор беришди. Романов ва Семчевлар Қўқон туманида тошкўмир, Д.Петров ва Г.Александровлар эса Қамишбоши ва Лаққон қишлоқларида 25 та нефть конларини излаб топишди ва улардан тўртаси маҳсулот бера бошлади. Чунончи, 1888 йилда Андижон уездида 2000 челакдан ортиқ, 1899 йилда 8809 пуд нефть тайёрланган [11]. Нефтдан яна мум ва хилка (қурилиш ашёси) олинар эди. Янги завод ва фабрикалар очилиши билан мустамлакачи идоралар сони ҳам кўпайди. Биргина Қўқоннинг ўзида 16 та акционерлик жамияти ва йирик савдо фирмалари очилган эди.

XX аср бошида ўлкага Россиядан фабрика маҳсулотлари кириб келишининг кенгайиб бориши билан Туркистон шаҳарларидаги мато, сопол, тери ва совун тайёрлаш каби ҳунарлар касодга учрайди. Лекин бу кўпроқ майда ҳунармандларга тегишли бўлиб, йирик ҳунармандлар ўз ишлаб чиқаришини сақлаб қолиш учун иш қуролларини такомиллаштирадилар.

Бу даврда Туркистонга банк-кредит тизими, савдо биржалари, савдо-саноат ширкатлари, транспорт конторалари, завод-фабрикалар, акционерлик жамиятларининг кириб келиши иқтисодий ҳаётни жонлантириб, бу соҳада янги шаклдаги муносабатларга асос солди. Уларнинг таъсирида ишлаб чиқаришнинг айрим соҳаларини машиналаштириш ва йириклаштириш, товар-пул муносабатларини кенгайтириш, маҳаллий ресурслар, хом ашёни истеъмолга киритишни жадаллаштириш жараёни бошланди. Аммо бу янгиликлар самарасидан, асосан, уларнинг ташаббускори бўлган хорижий сармоядорлар ва метрополия фойдалангани ҳамда иқтисодий мустақиллик йўқлиги сабабли мазкур ўзгаришлар маҳаллий аҳоли фаровонлиги ва иқтисодий тараққиётига эмас, балки метрополия эҳтиёжларини қондириш ҳамда хорижий сармоядорларни бойитишга хизмат қилди.

Адабиётлар:

1. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И.Демезона и И.В.Виткевича).- М.,1983
2. Справочная книжка Самаркандской области. Вып. 5.- Самарканд, 1897
3. Арапов Д.Ю.Бухарское ханство в русской востоковедческой историографии. М.: Наука 1981
4. Добросмылов. А.И. Ташкент в прошлом и настоящем.- Ташкент, 1912
5. Иванов П. И. Очерки по истории Средней Азии (XVI - середина XIX вв).- М., 1958
6. Лунин Б.В. История Узбекистан в источниках. Узбекистан в сообщениях путешественников и ученых (20-80 годы XIX в) Т.: Фан, 1990
7. А.Вамбери. Путешествие по Средней Азии.-1867
8. Дмитриев. Депеша Е.Скайлера и пролемы Среднеазиатской политики царизма 70-х гг. XIX в. Материалы по истории, историографии и археологии. Сб. науч. тр. №517.- Т., 1976.
9. Обзор самаркандской области за 1901 год.- Самарканд, 1902.- С. 13
10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида.- Т.: Шарқ, 2000
11. Зиёев Ҳамид. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари).
Т.: Шарқ, 2006

Андижон Давлат университети,
2009 йил 13 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: профессор И.Алимов)